Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 178 (5169).
8 АВГУСТ 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● «Тежамкорликнинг шахсий ҳисоблари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Тежамкорлик режимини кучайтириш — ҳар бир коллектив учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг қулай ва энг тежамли йўлидир. Шунинг учун ҳам партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари тежамкорлик масалалари билан мунтазам ва изчил, пухта ўйланган программа бўйича шуғулланишлари лозим, деб таъкидланади мақолада.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, навбатдаги «80-йиллар дунёси» саҳифаси, спорт хабарлари босилган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида қайд этиладики, социалистик меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муваффақиятли бажаришнинг, халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг, социалистик турмуш тарзи негизларини янада мустаҳкамлашнинг, омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини кучайтиришнинг, демократияни такомиллаштиришнинг ғоят муҳим шартидир.

Партия, совет ва хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига амал қилиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини камайтириш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Совет кишиларининг ғоят катта ҳўпчилиги ҳалол ва виждонан меҳнат қилмоқда, ишлаб чиқаришда, транспортда, хизмат кўрсатиш соҳасида етарлича тартибни таъминлашдан астойдил манфаатдор эканликларини намоён этмоқдалар, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга қўмаклашмоқда. Бу иш аниқ мақсадни кўзлаб ва ҳар куни ўтказилаётган, унга барча меҳнаткашлар жалб этилаётган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда.

Ҳозирги шароитда меҳнат интизомини мустаҳкамлашда меҳнат коллективларининг, меҳнаткашларнинг роли ортиб бормоқда. Меҳнат коллективлари тўғрисида қабул қилинган СССР Қонуни ҳар бир меҳнаткашнинг ишига актив таъсир ўтказиш, илғорларни рағбатлантириш, интизом бузилишига қарши кураш учун янги имкониятлар беради.

Бу шунинг учун ҳам муҳимки, саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, ноишлаб чиқариш тармоқларида ҳали ҳам жуда кўп иш вақти зое кетмоқда, меҳнат ресурсларидан ҳамма жойда ҳам оқилона фойдаланилаётгани йўқ, кадрлар қўнимсизлиги сезилиб камаймоқда. Баъзи ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар тўла самара билан меҳнат қилаётганлари йўқ, коллективнинг манфаатларини қадрламаяптилар, прогул қилишга ва ишга кечикиб келишга, ичкиликбозликка йўл қўймоқдалар, асоссиз равишда бир корхонадан иккинчи корхонага тез-тез ўтиб турадилар. Дангасалар, прогулчилар ва ўчарлар кўпинча ялло қилиб юриб, иш ҳақи ва бошқа неъматлар жиҳатидан ҳалол ишлаётган ходимлар билан бир қаторда турибдилар. Бундай ҳолларга қарши курашда афкор оммка кучидан, совет қонунларидан, интизомий таъсир чораларидан суст фойдаланилмоқда. Бу ишда ишчилар йиғилишларининг, ўртоқлик судларининг роли ҳали ҳам етарли эмас. Ишчи ва хизматчиларни ишдан қолдириб, ҳар хил жамоат тадбирларини ўтказиш меҳнат интизомига салбий таъсир қилмоқда.

Министрликлар ва идоралар, хўжалик раҳбарлари айрим корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда юқори унумли нормал иш учун зарур ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратмаяптилар. Планлаштиришдаги, моддий техника таъминотидаги, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар бекор туриб қолиш ва штурмчилик ҳолларига, белгиланган вақтдан ташқари ишлашга, план топшириқлари ва мажбуриятларни бажармасликка олиб келмоқда, интизомга ва пировард натижада меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларига таъсир қилмоқда.

Министрликлар, идоралар аппаратининг, бошқа бошқарув бўлинмаларининг, илмий, лойиҳа ва конструкторлик муассасаларининг айрим ходимлари интизомлилик, ишни пухта ташкил этиш, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш намунасини кўрсатмаётган ҳоллар мавжуд.

Баъзи хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнат интизоми даражаси пастлигига тоқат қилмоқдалар, хўжасизлик фактларини яширмоқдалар, ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш юзасидан ўзларига боғлиқ бўлган баъзи чораларни кўрмаяптилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси халқ хўжалигида фойдаланилмаётган катта резервлар борлигидан далолат беради. Шу резервларни жамиятга хизмат қилдириш — ғоят муҳим хўжалик ва социал-сиёсий вазифадир.

Меҳнат аҳлининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш партиямиз билан давлатимиз бутун фаолиятининг олий мақсади ҳамда асосий мазмуни бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Совет кишиларининг ҳалол меҳнати, қатъий тартиб ва уюшқоқлик уларнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни бажаришнинг негизидир.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг халқ хўжалиги барча бўғинларида партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қаршы қатъий курашиш, шу соҳада оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини совет халқи кенг кўламда қўллаб-қувватлаб кутиб олди. Меҳнаткашлар прогул қилиш, ишга кечикиш ва интизомни бошқача бузганлик учун жавобгарликни оширишни, ишни ёмон ташкил этаётган, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга эришмаётган мансабдор шахсларга нисбатан қатъийроқ талабчанлик қилишни таклиф этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қабул қилган қарорида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, партия ва касаба союз ташкилотлари зиммасига меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришни таъминлаш мақсадида корхоналарда, колхозлар ва совхозларда, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартибни кучайтириш борасидаги ишларни изчиллик билан ўтказиш вазифасини юклади.

Барча меҳнаткашларни ўз гражданлик бурчини чуқур англаш руҳида — Ватан бахт-саодати йўлида онгли ва виждонан меҳнат қилиш руҳида тарбиялаш шу ишнинг асоси бўлиши керак. Бу муҳим сиёсий иш қисқа муддатли кампаниядан иборат бўлиб қолмаслигига, ҳар бир меҳнат коллективида юксак талабчанлик ва масъулият муҳитини сабот билан яратишга эришиш лозим.

Фидокорона меҳнат учун моддий ва маънавий рағбатлантиришни кенг қўлланиш билан бир вақтда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга нисбатан мурosасозлик фактларига қатъиян барҳам бериш, шу мақсадда жамоатчилик таъсири чораларидан, амалдаги қонунларнинг нормаларидан самарали фойдаланиш зарур. Меҳнат интизомини бузиш СССР Конституциясида белгиланган ҳалол меҳнат қилиш бурчини бажаришдан бўйин товлаш деб қаралиши керак.

Социалистик Меҳнат интизоми — ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилишдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга ўз ишига нисбатан онгли ижодий муносабатда бўлишдан, ишнинг юксак сифатини таъминлашдан, иш вақтидан унумли фойдаланишдан ҳам иборатдир.

Қарорда СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетларига меҳнат интизомининг аҳволи ва кадрлар қўнимсизлиги учун корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда уларнинг бўлинмалари раҳбарларининг масъулиятини ошириш таклиф этилади. Тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, зое кетган иш вақтини пухта ҳисобга олишни ташкил этиш чоралари кўрилмаганлиги учун тегишли раҳбарлар асосий иш натижалари учун ҳамда социалистик мусобақа якунларига кўра мукофотлардан маҳрум этилсин, интизомий жавобгарликка ёки қонунларда белгиланган бошқа жавобгарликка тортилсин.

Топширилган иш участкасида меҳнат интизомини тегишлича таъминлай олмаган раҳбарга ўз лавозимига муносиб эмас, деб баҳо берилиши керак.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС меҳнат коллективларининг ролини оширишни, уларга берилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланишни тарбиявий иш ҳамда социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишнинг энг муҳим йўналиши деб ҳисоблайдилар. Социалистик жамиятда меҳнаткаш шахси айни меҳнат коллективида камол топади ва чиниқади. Ишлаб чиқариш бригадаларида коллектив меҳнат формаларини ривожлантириш ҳозирги шароитларда айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқариш бригадаларида бутун коллективнинг, шунингдек ҳар бир меҳнаткашнинг ижодий ғайрати ва меҳнат активлигини намоён этиш учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Меҳнат интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалалар ва уни мустаҳкамлаш чоралари, прогул қилиш ва тартибни бошқача бузиш ҳоллари тартибузарларга нисбатан тегишли жамоат таъсири ўтказиш учун доимо меҳнат коллективларида бригадалар, участкалар, фермалар, цехларнинг йиғилишларида муҳокама қилиниши, шундай шахсларни амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалалар маъмурият олдига қўйилиши керак.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, партия ва касаба союз комитетлари, хўжалик раҳбарлари меҳнат коллективларига улар меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонунида кўзда тутилганидек, меҳнат интизомини таъминлашдаги ваколатларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишлари лозим.

Қарорда ишчи ва хизматчиларни иш вақтида ҳар хил йиғилишлар, слётлар ва семинарлар, спорт мусобақалари ўтказишга, бадиий ҳаваскорлик билан шуғулланишга, туристик сафарларни ташкил этишга асоссиз равишда жалб этишга йўл қўйиб бўлмаслиги қайд этилади.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, касаба союз ва комсомол органлари, министрликлар ва идоралар, хўжалик раҳбарлари амалдаги қонунларга мувофиқ шу масалаларда қатъий тартиб ўрнатишга мажбурдирлар.

Виждонан ва бенуқсон ишлаётган меҳнат ветеранларини маънавий рағбатлантиришни кучайтириш учун шуни белгилаш зарур деб топилдики, ишчи ва хизматчилар пенсияга кетганларидагина эмас, балки хизмат йилларини ёки қарилик юзасидан пенсия тайинлаш учун зарур бўлган меҳнат стажи тўлганидан кейин «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотланадилар.

Газета ва журналларнинг редакцияларига, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, СССР Кинематография давлат комитетига ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва тартиб ўрнатиш соҳасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва тарбия ишларини мунтазам суратда ёритиб бориш, меҳнат коллективларининг ижобий тажрибасини кенг пропаганда қилиш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг меҳнат коллективлари социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишларни қиладилар ва шу асосда мамлакат экономикасини янада ривожлантиришга эришадилар, деб ишонч билдирадилар.

* * *

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС меҳнаткашларнинг таклифларини ҳисобга олиб, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар қўнимсизлигини камайтириш мақсадида «Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

СССР Госпланига, СССР Госснабига, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига планларнинг мутаносиблигини, моддий-техника таъминотини яхшилаш, меҳнат коллективларининг узлуксиз ва юқори унум билан ишлаши учун, план топшириқлари ҳамда мажбуриятларни бажаришда уларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш учун бошқа иқтисодий ҳамда ташкилий шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш топширилди.

Шу нарса қайд этиладики, ҳозирги шароитда аппарат фаолиятидаги уюшқоқлик ва пухталик, ишчанлик учун ҳамда барча ходимлар ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни қатъий бажаришлари учун, тармоқларнинг иш даражасини бутун

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ: ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

6. Собир Раҳимов райони

Маълумот учун. Собир Раҳимов райони Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонига биноан 1970 йил 27 декабрда ташкил этилди. Унинг территорияси 2888 гектар, аҳолиси 240 минг киши. Унда 32 фабрика, завод, ишлаб чиқариш бирлашмаси, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти, 1-автокомбинат, 127-автопарк, ТошМИ комплекси, студентлар шаҳарчаси, уй-жой массивлари жойлашган.

Район меҳнаткашлари Ўзбекистон пойтахтининг 2000 йиллик юбилейини катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. «1983 йил топшириғи — шаҳарнинг 2000 йиллигига» шиори остида кўпгина корхоналар, ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Кўпгина илғор коллективлар москвалик-ларнинг «Меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг 25 йиллигига —25 зарбдор ҳафта!» шиори остида меҳнат қилаяпти. Ватанпарварлик ташаббусларининг яна талай издошлари бор. Ростовликлар ва янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», «Бир беш йилликда —икки беш йиллик» ташаббуслари шулар жумласидан. Тошкент экскаватор ремонти заводининг коллективи «Беш йиллик —3,5 йилда», 6-қурилиш трести 47-қурилиш бошқармасининг В. М. Мельниченко бригадаси — «Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига беш йиллик топшириқни бажариш» ташаббуси билан чиқди. Бу район меҳнаткашларининг юксак меҳнат ва жамоат активлиги кўрсаткичидир.

Тошкент Давлат университети юридик факультети 5-курс студенти, Ленин стипендиати, район Советининг депутати, комсомол аъзоси Гулнора ШОЮСУПОВА ҳикоя қилади:

— Китоблар ва кекса кишиларнинг ҳикоялари бўйича қадимий Тошкент ҳақида кўпгина қизиқарли нарсаларни билиб олганман. Улуғ Ленин номи билан аталаётган университетимиз студентларининг катта армияси каби районимиз ҳам навқирон. Тошкент Давлат университети Ўрта Осиёда фан тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. Улуғ Октябрь самараси туфайли туғилган бу даргоҳ Москвадан келган фан поезди дастлабки вакилларини қутиб олди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 9 мартда «Дарҳол халқ университетини ташкил этиш» тўғрисида қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида ёшларнинг сиёсий, гражданлик, ахлоқий фазилатларини шакллантиришда комсомол кўпгина ишларни бажармоқда, деб таъкидланди. Партия унда ўзининг садоқатли ёрдамчисини кўриб турибди. Университетни битирганлар — собиқ комсомоллар эндиликда олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари бўлишди. Булар орасида номи жаҳонга танилган ёзувчилар Ойбек ва Мухтор Авезов, йирик олимлар А. М. Белозерский, Т. Н. Қориниёзов, О. С. Содиқов, С. Юнусов ва юзлаб бошқа буюк олимлар ва жамоат арбоблари бор.

Шарқ аёлининг уйғонишида университетнинг хизмати катта. ТошДУни дастлаб битирганлар тўнғич ўзбек аёли — врач, медицина фанлари доктори, профессор, СССР Медицина фанлар академияси мухбир аъзоси З. И. Умидова, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Р. Х. Аминова ва бошқа кўпгина аёллар бор. Ленин номли бугунги ТошДУ —мамлакатдаги йирик олий ўқув юртларидан бири. У Совет Иттифоқидаги 25 та етакчи олий ўқув юртлари сафига киритилган. Совет ҳукумати, Коммунистик партия ёш авлод тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Тошкентнинг 18 олий ва 36 ўрта махсус ўқув юртидаги кундузги бўлимларда 115 минг йигит ва қиз, шунингдек жаҳоннинг 75 мамлакати вакиллари таълим олмоқда. Районимизни ҳақли равишда ёшлар райони деб аташади. Аҳолининг 50 процентдан зиёди 30 ёшгача бўлган кишилардир. Бу ерда 35 минг студент яшамоқда.

Биргина районнинг умумий ўрта таълим мактабларида икки мингдан зиёд ўқитувчи, ТошДУда 100 га яқин фан доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир аъзоларидан 20 дан ортиқ киши, 24 республика, хизмат кўрсатган фан арбоби меҳнат қилмоқда.

* * *

СУРАТЛАРДА: генерал Собир Раҳимовга ўрнатилган ҳайкал; ТошДУ студенти, Ленин стипендиати Г. Шоюсупова; Ленин номли ТошДУ корпуси; шифокорлар шаҳарчасидаги уй-жойлар.

Л. Глауберзон ва Т. Каримов фотолари.



БЕШ ЙИЛЛИК — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КОММУНИСТ Г. МЕЗНИКОВ БРИГАДАСИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Тошкент марказлашган юк ташиш автомобиль трести 127-автокорхонасида Георгий Васильевич Мезников раҳбарлик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси ҳаётида май ойининг охирида қувончли воқеа юз берди. Бригада ўн биринчи беш йиллик планини ваъда берганидек муддатидан олдин бажарди. Илғор коллектив икки ярим йил мобайнида 1 миллион тоннага яқин турли халқ хўжалик юкларини ташиди. Бу март ортиқдир. 25,3 тонна дизель ёқилғиси тежаб қолинди. Аъло даражадаги натижа!

Георгий Васильевич — тажрибали ва доно раҳбар. У бошчилик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси ягона наряд асосида ишлайди, соҳанинг энг яхши пудратчи бригадаларидан бири ҳисобланади.

Бундан ўн йил муқаддам республикага биринчи марта темир йўл бўйлаб 20 тоннали контейнерлар кела бошлади. Бу юкларни Шумилов станциясидан ташиб келтириш 127-автомобиль корхонаси зиммасига юкланди. Янги иш дастлаб осон кўчмади. Ярим прицепли КрАЗ—256 машинасидан учтаси бу ишга ажратилди. Иш сменасида фақатгина бир контейнер ташишга эришилди ва кундалик иш унуми 40 тоннани ташкил этди.

Кейинчалик сменали ярим прицеплар ишлатила бошланди ва юк ташишнинг оқилона услуби ташкил этилди. Бу ижобий натижалар берди, машиналар юришидан фойдаланиш коэффициенти 0,96 га етди. Лекин бир ҳайдовчининг иш унуми кўнгилдагидек эмас эди. Меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар ҳалал берар эди.

Г. Мезников бошчилигида ҳайдовчилар пудрат бригадасини ташкил этишга ўтишди. Бунинг учун талай тайёргарлик ишлари олиб борилди. Шумилов станциясида 127-автомобиль корхонасининг телефон алоқали таянч-диспетчер л и к пункти, икки кранли махсус контейнер майдончаси ташкил этилди, контейнерларнинг туриш жойи аниқланди, келган контейнерлар ҳисоби картотекаси юргизилди. Шаҳарни икки зонага — станциядан икки километрдан ўттиз беш километргача олисликка бўлинди. Кераксиз рейслар тугатилди. Ягона наряд асосида ишлашга ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

* * *

СУРАТДА: бригадир Г. Мезников (ўртада) бригада кенгаши аъзолари даврасида.

А. Мальцев фотоси.

МАВСУМ ПРЕМЬЕРА БИЛАН БОШЛАНАДИ

Тошкентдаги Муқимий номли музикали театрнинг «Юлдузлар жамоли» янги спектаклида инсон қайси лавозимда ишламасин, унинг ахлоқий поклиги, маънавий етуклиги, ўзига нисбатан талабчанлиги муаммолари ўртага қўйилган. Пьеса автори Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Сарвар Азимов. Асарга композитор Сайфи Жалилов куй басталаган.

Режиссёр Бахтиёр Ихтиёров, бош роль ижрочиси топширилган ёш артист Н. Рустамов, республика хизмат кўрсатган артист С. Пўлатов, артистлар Н. Пўлатова, Ф. Фаёзов, бутун ижодий коллектив, жамоатчилик кўриги қатнашчиларининг фикрича, томошабинни тўлқинлантирадиган, уни турмушнинг салбий жиҳатларига янада муросасиз бўлишга мажбур этадиган спектаклни яратдилар.

Театр ўзининг янги, 44-мавсумини «Юлдузлар жамоли» постановкаси билан бошлайди. Бадиий коллектив мавсум бошларида томошабинларни яна бир премьерага — Ҳ. Ғулом асари асосида яратилган ва Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган «Тошкентликлар» спектакли премьерасига таклиф этади.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ



— Район саноати мана тўққиз йилдан буён қолоқ корхоналарсиз ишламоқда. 9 мингдан зиёд ишлаб чиқарувчи, 500 бригада, участка, цех ва бўлим коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бўлимлари фахрли номини олишга муяссар бўлди. Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига авж олдириб юборилган социалистик мусобақа районни намунали районга айлантириш учун ватанпарварлик ҳаракатини ҳам кучайтириб юборди.

«ТашЗНИИЭП» лойиҳа институти коллективи рекламациясиз ишламоқда. Районда 500 дан зиёд комплекслашган бригада бор. Ҳар бир учинчи ишчи, инженер, техник шахсий ижодий план бўйича меҳнат қилмоқда. Олий категориядаги сифат белгили маҳсулотни ишлаб чиқариш умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 30 процентига яқинлашиб қолди.

Ярим йилликда 50 минг квадрат метр уй-жой, янги «Универсам» фойдаланишга топширилди, болалар боғчаси ва 151- ўрта мактаб, бошқа объектлар қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор», «Геологоразведка», тажриба-механика экскаватор ремонти ва шина ремонти заводлари, 6, 1 ва бошқа қурилиш трестлари ана шу ютуқларга муносиб ҳисса қўшдилар

Чинни заводининг маҳсулотини республикамиздан ташқарида ҳам яхши билишади.

...Конвейерда пиёлалар, чойнаклар, вазалар ўтиб бормоқда. Қўли гул рассом бўюмга мўйқаламини оҳиста теккизиши билан буюмнинг чиройи янада очилиб кетади. Шарқ чинни буюмларининг гўзал шакли, чиройли нақшлари диққатни жалб этади. Бугунги кунда бу ерда 19 хил маҳсулот фахрли беш қиррали белги билан белгиланмоқда. Улар орасида пиёлалар, вазалар, кофейниклар ва албатта Шарқ термалари: «Нафосат», «Пахта», «Атлас», «Табассум», «Диларом», «Баҳор», «Тоғғ», «Гулнора», «Кийик», «Дастагул» ва бошқа кўплаб туркумлар бор Бу маҳсулотлар умумий ишлаб чиқаришнинг қарийб 18 процентини ташкил этади.

Тошкент корхонасининг маркаси туширилган маҳсулотлар Куба, Мексика, Туркия, Югославия, ГФРда бўлган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда бир неча бор намойиш этилди ва юксак мукофотларни олишга сазовор бўлди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг зиёратчилари Шарқ чинни буюмларига юксак баҳо бердилар. Завод вакиллари сервизларни ишлаб чиқишганлиги ва яратишганлиги учун мукофотланишган.

* * *

СУРАТЛАРДА: чинни заводининг ижрочи рассоми С. Амирова Тошкентнинг 2000 йиллигига атаб чиқарилаётган янги намунали буюмларга гул солмоқда; «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси. Бу ерда «Тонг» ётоқ учун мебеллар туркуми ўзлаштирилди ва давлат Сифат белгисини олди. СУРАТДА: 4-цех йиғувчи-дурадгори, коммунист Б. Эгамбердиев.

В. Сироткин ва Л. Глуберзон фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳайдовчилар ютуғи бирданига бўлгани йўқ. Изланиш, қулай усулларни ишлаб чиқиш, фойдали фикрлар, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқадиган дўстона, мужассам коллективни яратиш учун кураш борди. Ниҳоят ана шу мақсадга эришилди.

— Биз ҳайдовчиларимизни юк ташишнинг янги техникавий усулига ўргатдик, — деб ҳикоя қилади Георгий Васильевич, — бунга қадар 20 тоннали катта юкларни ҳеч ким ташимаган эди. Контейнерлар эса — бу анчагина қулай ва афзалликдан иборат. Бунда тара тежалади, юк ташиш тезлашади ва арзонлашади, ниҳоят юклар тўла сақланган ҳолда ташилади.

Иш резервларини ҳамкорликда ишлаш билан қўшиб олиб борилади. Автомобиль корхонаси бригадаси ва мутахассисларининг ташаббуси бўйича, масалан, сменали ярим прицепларнинг тўрар жойи ҳисоби карточкаси ва истеъмолчиларда турган контейнерларнинг ҳисоби карточкаси жорий этилди.

Бригада пудратини жорий этиш коллектив ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Кўпгина пудрат бригадаларининг амалий иши исбот этганидек, бу метод ҳаракат состави ва ҳайдовчи кадрлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни қўшимча моддий сарф-харажатсиз ҳал этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун қулай шароит яратиш имконини берди. Кўплаб вақт, меҳнат ва моддий ресурслар тежала бошланди. Бу ерда интизом мустаҳкам, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи юқори, ёшлар маҳоратни тез ўрганишади.

Георгий Васильевичнинг обрўси ғоятда юқори —у Тошкент шаҳар партия комитети аъзоси, «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланган. Кўпгина масалалар— у ёки бу ҳайдовчининг меҳнатдаги иштирокини аниқлаш, аккумуляторлар, двигателлар, автошиналарни тақсимлаш, отпуска, қисқа дам олишни у ўз ҳолича ҳал этмайди— буни бригада кенгаши ҳал этади. Бу кенгашда Мезниковдан ташқари яна беш аъзо бор. Улар ҳайдовчилар коммунист Аъзам Ҳакимов, Ҳаким Қўчқоров, Юрий Агофуров, Виктор Андросов, Равшан Муродхўжаевлардир.

Бригада билан ташниганингда унинг интернационал коллектив эканлигига беихтиёр эътибор берасан. Бу ерда ўзбеклар Одил Валиев ва Аъзам Ҳакимов, руслар Виктор Андросов, Юрий Агофуров, украин Василий Штанько, татар Фёдор Сальманов, яҳудий Евсей Марон меҳнат қилади.

— Биз — ягона оиламиз, — таъкидлайди бригадир. — Дўстона оила, зарбдор бригада эканлигимизни қўшиб қўяман. Мана, салмоқли рақамлар. 1974 йилда 20 тоннали контейнерларда 24,6 минг тонна юк ташилган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич қарийб ўн марта кўпайди — 286 минг тонна юк ташилди 1981 йилда йирик тоннали контейнерларда 363 минг тонна, 1982 йилда 545 минг тонна юк ташилди. Автомобиль корхонаси бундай юк ташишни ривожлантириб, эндиликда контейнерларни Тошкент областининг район марказлари — Чирчиқ, Тўйтепа, Янгийўл, Олмалиқ ва бошқа жойларга етказиб бермоқда.

Г. Мезников бригадаси намунали иш кўрсатди. У ўнинчи беш йиллик планини икки ҳисса бажарди. Коллектив ўн биринчи беш йилликда ҳам бараканли ишламоқда. Бошқа бригадаларнинг ҳам жўшқин ишлаётганлиги қувонарлидир. Масалан, Р. Ҳалимов, В. Книш, А. Хўжаев, Г. Шачнев, И. Комилов Н. Тошпўлатов, Н. Нишонов ва бошқалар бошлиқ пудратчи бригадалар Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига олинган план ва социалистик мажбуриятни ой сайин ошириб бажаришмоқда. Георгий Васильевич Мезниковга Тошкентнинг саноат, қурилиш ва транспорт илғор ишчилари билан бригаликда юбилейга қадар йиллик планни бажариш ҳақида Ўзбекистон пойтахтининг барча меҳнатчиларига мурожаатини имзолаш ишонич топширилди. Коммунист — автотранспортчи ўзининг мажбуриятини аллақачон бажарди.

127-автомобиль корхонасининг бутун коллективи зарбдорона ишламоқда.

— Ўн биринчи беш йиллик учинчи йилининг олти ойлик плани, — деб ҳикоя қилади автомобиль корхонаси директори Эгамберди Ойбўтаев, —ошириб бажарилди, қўшимча ўн беш минг тонна юк ташилди.

Г. Мезников бригадаси ҳамон илдамлаб бормоқда. Ҳозирда унинг КамАЗ маркали 26 автомобили бор, ҳайдовчилар такомиллашган график асосида ишламоқда Уларнинг ҳисобича, бригадага ўтказга тортиш кучи ва камида 120 та сменали ярим прицеп лозим. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга тўла ўтишга тўғри келяпти, бунинг учун эса 127-автомобиль корхонаси мутахассисларининг фикрича Мезников бригадаси ва бошқа новаторларга камроқ ёрдам бераётган «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаол ёрдами ва мадади зарур.

— Вазифамиз, — дейди Георгий Васильевич, — КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорига жавобан меҳнат унумдорлигини янада кўтариш, кўплаб халқ хўжалиги юкларини ташишдир. Бу Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, партия XXVI съездининг қарорларини бажаришдек умумхалқ ишига бизнинг қўшадиган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Бригада берган ваъдасининг устидан чиқмоқда. Июнь ойининг дастлабки беш кунлигида юз контейнерлар юк ташилди. Бу энг юқори меҳнат унумдорлигидир.

К. МАДАЛИЕВ,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-техника пропаганда бўлимининг сектор мудири.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

СОВУҚҚОНЛИК ҚИЛИШМОҚДА

Пойтахтимиз ўзининг 2000 йиллик юбилейи арафасида тобора чирой очмоқда. Бу ҳолни шаҳар кўчаларида бунёд этилаётган Кисловодск типидаги замонавий бекатларда ҳам кўриш мумкин. Умуман олганда бу типдаги бекатлар шаҳримиз жамолини очибгина қолмасдан, йўловчилар учун жуда ҳам қулайдир. Шаҳримиз районлари ободонлаштириш бошқармалари етакчилигида ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари томонидан амалга оширилаёган бу тадбирлар чин маъноси билан айтганда гўзал ишдир.

Минг афсуски, бу тадбирлар ҳамма жойда ҳам бир хилда ўз ижросини топаяпти деб бўлмайди. Масалан, Собир Раҳимов районидаги Форобий, Сағбон, Ҳамза, Қорасарой кўчаларидаги бекатларнинг хароб кўриниши киши дилига бенхтиёр ғашлик солади. Бунда қачонлардир қурилган бекат соябонлари ва ўриндиқлари қийшайиб ёки синиб ётибди. Натижада йўловчилар жазирама офтобда автобус кутишга мажбур бўлмоқда. Ваҳоланки, бу кўчалардан ўндан ортиқ автобус маршрути ўтади. Албатта, бекатларнинг бу ноҳуш аҳволидан район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари жуда яхши хабардор. Бироқ, тадбир белгилашда улар ўта даражада совуққонлик қилишмоқда.

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,
жамоатчи мухбир.

ХАМИРТУРУШ МОЖАРОСИ

Биз ёзаётган воқеа икки ой илгари содир бўлган бўлса ҳам газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Воқеа бундай бўлган эди. 30 апрель куни Октябрь колхоз бозоридаги 29-озиқ-овқат магазинидан хамиртуруш олиш учун навбатга турдик.

Аксига олгандек, бизнинг навбатимиз келганда сотувчи «дрожа тамом бўлди» деди. Шунда ёнимизда турган аёл ичкарига икки чайқовчи кириб кетганини айтиб қолди. Кўп ўтмай улар иккита халтани хамиртурушга тўлдириб чиқиб кетишди. Уларнинг бирини қўлидан шартта ушлаган эдик, халтани ташлаб, жуфтакни ростлаб қолди. Халтани магазиндан 30 метр чамаси наридаги милиция оператив пунктига олиб бордик. Унинг ичидан 80 та хамиртуруш чиқди. Оператив пунктдаги милиция катта лейтенанти магазин мудирини чақиртирди. Биз эса бўлган воқеани қоғозга ёзиб топширдик. Милиция ходими бизга «раҳмат» айтиб кузатиб қўйди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу жанжал бошланган пайтда магазинда яна хамиртуруш сотила бошланди.

Шу воқеадан сўнг 30 май куни яна ўша милиция оператив пунктига бориб ишнинг натижаси билан қизиқдик. Катта лейтенант иш ёпиб юборилганини маълум қилди. Далил кам эмиш. Ахир, биз унга чайқовчига оширилган бир халта хамиртурушни ушлатиб қўйган бўлсак, магазин мудири ҳам буни инкор этмаган бўлса, яна қанақа далил керак экан, билмадик.

Балки, шаҳар савдо Бош бошқармасидагилар ва Ички ишлар бошқармасидагилар аниқроқ жавоб беришар. Чунки эски шаҳарда хамиртуруш можароси тез-тез бўлиб туради.

М. ИКРОМОВА,
А. ИКРОМОВ.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Масъулият унутилгач...»

Газетанинг шу йил 3 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий хабарларда шаҳримизни ободонлаштириш даги камчиликлар баён этилган эди. Ана шу подборка материалларига жавоблар олинди.

* * *

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси директори О. А. Шамсиевдан олинган жавобда айтилишича, мақолада баён этилган фактлар тасдиқланган. Муносабат кўчасида электр таъминотини яхшилаш мақсадида ремонт ишларни амалга оширилмоқда. Реконструкция ишлари шу йилнинг учинчи кварталида ниҳоясига етказилади.

* * *

Сергели район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи И. Қипчоқовдан олинган жавобда хабар қилинишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар чиндан ҳам рўй берган. Бошқарма камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет чоралар кўрган. Йўл бўлими, кўчаларни тозалаш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация идораси ходимларига кўчалар ва майдонларни ободонлаштириш, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган. Ҳар куни район «Автодормехбаза»си директори билан биргаликда район территориясини кўздан кечириб чиқилляпти. Кўчалар жорий ремонтдан чиқарилди. Яшил ниҳоллар ариқлардан суғориляпти. Ариқлар йўқ жойда «Анджанец» насосларн ўрнатилган.

* * *

— Газета саҳифасида баён этилган фактлар чиндан ҳам рўй берган, — деб хабар қилади Чилонзор район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т. Умаров. — Бошқарма ходимлари Чилонзор кўчасидаги троллейбус ва автобус бекатларини тартибга келтириб қўйишди. Ирригация тармоқлари тозаланди. Кўрсатилган жойлардаги чиқиндилар ташиб кетилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

(Давоми. Боши 1-бетда).

чоралар билан ошириш, идораларга қарашли бирлашмалар, корхоналар ҳамда ташкилотларда план интизоми, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг аҳволи учун министрларнинг, идоралар, бошқа бошқарув органлари раҳбарларининг роли ва масъулияти анча ошмоқда.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг аҳволини танқидий нуқтаи-назардан кўриб чиқишлари, уни мустаҳкамлаш юзасидан конкрет чораларни кўришлари, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш илғор формаларини, бригада хўжалик ҳисобини, пировард натижаларга қараб ва меҳнатда иштирок этиш коэффициентини қўлланиб ҳақ тўлашни активроқ жорий этишлари керак.

Бир хил меҳнат учун баравар ҳақ тўлаш принципига қатъий амал қилинсин, бошқа корхоналардан ходимларни ёндириб олиш мақсадида моддий рағбатлантириш миқдорларининг асоссиз равишда ошириб юборилишига йўл қўйилмасин. Меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олиб иш ҳақи юзасидан ҳисоб-китобнинг аванссиз системаси мақсадга мувофиқ бўлган ва мумкин бўлган жойларда ҳам кенг қўлланилсин.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи сақланмай қисқа муддатли отпуска берилиши устидан контроллик кучайтирилсин. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, томонларнинг ўзаро келишувига кўра зарур бўлган ҳолларда меҳнаткашлар ана шу отпускаларни ишлаб чиқаришнинг шароитлари ва имкониятларига қараб кейинроқ ишлаб беришлари мумкин.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муттасил яхшилансин, қўл меҳнати, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнат бутун чоралар билан камайтирилсин.

Бевосита ишлаб чиқаришда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш практикаси кенг оммалаштирилсин, комплекс қабул пунктлари, буюртмалар қабул қилиш столлари, ихтисослаштирилган даволаш кабинетлари ташкил этилсин ва ишдан бўш вақтларда бошқа хил хизматлар кўрсатилсин. Мактабгача тарбия болалар муассасалари тармоғини янада ривожлантиришга, умумий овқатланишни ташкил этишни яхшилашга алоҳида эътибор берилсин.

Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва колхозларнинг раҳбарлари, касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари учун, шунингдек корхоналар ва ташкилотларда узоқ вақт халол ишлаб келаётган кишилар учун рағбатлантириш фондлари ҳисобидан қўшимча имтиёз ва афзалликлар белгилаш практикасини кенг қўламда қўлланишлари керак. Отпускалар муддатини белгилаш, квартираларни, санаторийлар ва дам олиш уйларига путёвкаларни тақсимлаш вақтида ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг меҳнат самаралари тўлиқроқ ҳисобга олинсин.

Ҳалол ишлаётган ва меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўймаётган ишчи ва хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида шуни белгилаб қўйишга қарор қилиндики, узлуксиз иш стажи учун шу категориядаги ходимларга қўшимча отпусканинг иккинчи ва учинчи кунлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1979 йил 13 декабрдаги қарорида кўзда тутилганидек ҳар икки йилда эмас, балки ҳар йилги иш учун берилади.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, партия органлари билан биргаликда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, граждан-ларни тезроқ ишга жойлаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ишида меҳнат масалалари билан шуғулланувчи маҳаллий органларнинг ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларининг ролини ошириш топширилди.

Шу нарса белгиланиб қўйилдики, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари меҳнат бўлимлари ҳузуридаги Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиб аҳолини ишга жойлаштириш юзасидан воситачилик вазифаларини бажарадилар, граждан-ларнинг меҳнат қилиш, касбни, машғулотлар хилини танлашдан ҳамда ўз хоҳиши, қобилияти, профессионал тайёргарлиги, ва маълумотига мувофиқ ишлашдан иборат гарантияланган ҳуқуқини амалга оширишларига кўмаклашади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишчи ҳамда хизматчиларга бўлган эҳтиёжлари тўғрисида Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси орқали аҳолини одатда хабардор қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС прогулчиларга ҳамда меҳнат интизомини бошқа ашаддий бузувчиларга қарши курашни кучайтириш учун қўйидагиларни белгилаб қўйишни зарур деб топдилар:

узрли сабабларсиз прогул қилган ишчи ва хизматчиларга ўша йилнинг навбатдаги отпускаси прогул кунлари миқдорида камайтирилади, бунда отпуска икки иш ҳафтаси (12 иш куни)дан кам бўлмаслиги керак;

иш куни мобайнида узрли сабабларсиз ишда уч соатдан кўпроқ бўлмаган ишчи ва хизматчиларга прогул учун қандай жавобгарлик чоралари белгиланган бўлса, худди шундай чоралар қўлланилади;

меҳнат интизомини бузадиган, узрли сабабларсиз прогул қиладиган ёки маст ҳолда ишга келадиган ишчи ва хизматчилар уч ойгача муддат билан кам ҳақ тўланадиган бошқа ишга ўтказилиши ёки худди шундай муддат билан бошқа паст лавозимга туширилиши мумкин. Шу даврда улар ўз хоҳиши билан ишдан бўшатилмаслиги керак, меҳнат интизомини бузганлик учун бошқа ишга ўтказилган ишчи ва хизматчиларнинг шу ишни бажариш вақти эса ишдан бўшаш тўғрисидаги огоҳлантириш муддатига қўшилмайди;

меҳнат интизомини муттасил бузганлик, узрли сабабларсиз прогуллар қилганлик ёки маст ҳолда ишга келганлик учун ишдан бўшатилган ишчи ва хизматчиларга янги иш жойида мукофотлар олти ой мобайнида унинг ярми миқдорида тўланади. Ходим дастлабки уч ой мобайнида ўзининг меҳнат бурчини бажаришга ҳалол муносабатда бўлган тақдирда маъмурият касаба союз комитети билан келишиб олиб ва коллективнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда шундан кейин мукофотларни тўла миқдорда бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиши мумкин.

Ишчи ва хизматчиларнинг айби билан корхонага, ташкилотга, муассасага улар меҳнат бурчларини бажариш чоғида етказган зарар учун, шу жумладан брак маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун уларнинг моддий жавобгарлигини ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Етказилган бундай зарар маъмуриятнинг фармойишига кўра, ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан бевосита етказилган ҳақиқий зарар миқдорида ундириб олинади; аммо ушлаб қолинган пул ходим ўртача ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак. Ходим ушлаб қолинадиган ҳақ ёки унинг миқдорига рози бўлмаган тақдирда меҳнат низоси унинг аризасига биноан қонунларда кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Қарорда ишга маст ҳолда келишни ёки иш жойида спиртли ичимликлар ичишни меҳнат интизомининг жуда қўпол бузилиши деб ҳисоблаш кераклиги таъкидланган. Бундай ҳолларга қарши курашда ишга маст ҳолда келаётган ишчи ва хизматчиларнинг интизомий ҳамда моддий жавобгарлиги оширилди. Шу муносабат билан:

ишчи ва хизматчининг маст ҳолда ишга келиши маъмуриятнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун мустақил асос деб белгилаш;

ишчи ва хизматчиларнинг айби билан маст ҳолдаги ходимнинг ҳаракати сабабли корхонага, ташкилотга, муассасага зарар етказилган тақдирда улар етказган зарарнинг ҳаммаси миқдорида моддий жавобгар эканликлари кўзда тутилади. Жазо суд орқали ёки қонунларда белгиланган бошқача тартибда берилади.

Узрли сабабларсиз ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаган тақдирда қуйидагиларни белгилаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди:

ишчи ва хизматчилар номаълум муддатга тузилган меҳнат шартномасини бу ҳақда маъмуриятни икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйиб, бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

ишдаги узилиш уч ҳафтадан ошмаган тақдирда узлуксиз иш стажи сақлаб қолинади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳамда ишга қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини қисқартириш юзасидан зарур чораларни кўриш топширилди.

Қарорда олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан кишиларни тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг мавжуд тартибида жиддий камчиликлар борлиги қайд этиб ўтилади. Бу кадрлардан ҳамиша ҳам уларнинг ўз малакасига мувофиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди, улар учун жойларда кўпинча тегишли ишлаб чиқариш ва уй-жой-маиший шароитлар яратиб берилмаяпти.

СССР Госпланига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ВЦСПС ҳамда СССР Юстиция министрлиги билан биргаликда тегишли таклифларни олти ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Иттифоқ колхозлар кенгашига ушбу қарорга мувофиқ колхознинг намунали Уставига ҳамда колхоз аъзоларининг меҳнатини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилди.

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН БЎЁҚЛАРИ

Ўзбекистон Рассомлар союзининг виставка залида очилган кўргазмага қўйилган чиройли полотноларда, акварелларда, сурат ва расмларда жонажон ўлка тарихи, республика меҳнаткашларининг қаҳрамонона ишлари, ўзбек днёрининг гўзаллиги ва сахийлиги акс эттирилган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Александр Винер ва Юрий Зорькин ана шу асарларнинг муаллифларидир. Уларнинг ҳар бири ижодий ишга ўз умрининг бир неча ўн йилини бағишлади. Ҳозир улар санъат шинавандалари олдида биргаликда ҳисобот бермоқдалар.

Республикадаги кўпгина хўжаликларнинг деҳқонлари А. Винерни «Бизнинг рассомимиз» деб атайдилар. Мўйқалам устаси ўзининг кўп вақтини пахтакорлар, чорвадорлар ва боғбонлар ҳузурида ўтказади. Шу боисдан қишлоқ меҳнаткашларининг қаҳрамонона кундалик ишлари экспозициягa қўйилган рассом асарларининг асосий мавзуидир. «Колхоз қизлари», «Хирмонда», «Менинг қаҳрамонларим» сингари полотноларда шу мавзу очиб берилган.

Шарқ хотин-қизларининг образи Ю. Зорькин учун илҳом манбаи бўлиб қолди. Унинг кўргазмага қўйилган «Ёруғлик сари», «Нурхон» картиналари бир вақтлар паранжиларини улоқтириб ташлаган қизларнинг узоқ ўтмишини акс эттиради. «Метрослар», «Шаҳрисабзлик тўқувчи», «Экскаваторчи» деб аталган полотноларда бугунги кун қаҳрамонларининг образлари тасвирланган.

Шу куни виставка залида Раҳматилла Орипжонов ишларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмага керамика, фаянс, чинни, монументал нақш ва мозаикадан парчалар қўйилган. Бу рассомнинг асарларини аслида ҳар бир чойхонада, ҳар бир хонадонда, ҳар бир дала шийпонида учратиш мумкин. Тошкент чинни заводининг бош рассоми Р. Орипжонов раҳбарлигида яратилган нақшлар пиёлалар, чойнаклар, косалар ва лаганларни безатиб турибди. Унинг кўпгина буюмлари шонли саналарга, кейинги ишлари эса Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган. (ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
8 АВГУСТ, 1983 й.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ САҲИФАСИ

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИГА:

ИЖОД ГУЛДАСТАСИ

МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ

● **Туроб ТЎЛА** — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси. Бир қатор шеърий ва насрий китоблар, драматик асарлар ва қўшиқлар муаллифи. Ҳозирги пайтда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг директори бўлиб ишламоқда.

● **Ҳабиб САЪДУЛЛА** — 1942 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Океандан шабада», «Баҳор билан суҳбат», «Мулоқот», «Яна остонангда» сингари шеърий тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Наманган область бўлимининг масъул секретари бўлиб ишлайди.

● **Шариф РАМАЗОНОВ** — Ўзбекистон ССР халқ артисти, таниқли композитор. Унинг «Холисхон», «Шоҳсанам», «Асл фарзанд», «Ҳаёт чақириғи» музикали драмаларига ёзган куйлари, қатор симфониялари, қўшиқлари кўпчиликка яхши таниш. Ҳозир Тошкентдаги 1-болалар музика мактабининг директори.

● **Файзи ШОҲИСМОИЛ** — шоир ва журналист. Шеър ва қўшиқлари «Адашбой», «Ирмоқлар» сингари тўпламларда, республика газета ва журналларида эълон қилинган. «Совет Ўзбекистони» газетасида ишлайди.

Туроб ТЎЛА,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

БЎЗСУВ ШАЛОЛАЛАРИ

(ҚЎШИҚ)

Бўзсув...

Тошкентнинг боғбони, она дарёси... Шаҳримизнинг олтин бешиги, муҳаббат беланчаги... Икки минг йилдирки, Тошкентга шошилади, Тянь-Шан тизмаларидан, унинг музлек-музлек қучоқларидан, «Тошкент» деган шаҳрим бор, деб оламга жар солиб турган баланд-баланд қояларидан, ям-яшил арчалари оёқларидан уйғониб югуради жилға-жилға бўлиб, сой ва сой бўлиб, дарё-дарё бўлиб... Икки минг йил муқаддам Тошкент бу ерга келиб чодир тикканида биринчи елиб-югуриб етиб келган мана шу Бўзсув дейишади эскилар. Баъзилар, «Йўқ, ундоғамас, Тошкент келгунича Бўзсув бор эди бунда, Тошкент унинг соҳилига келиб мафтун бўлиб қолган ва мангуга ошиён қурган» дейишади. Ким билсин, балки шундай ҳамдир. Ҳар нечук улар бир-бирларини яхши кўришади, икки минг йилдан бери шу сабабдан балки, ажрашишмайди, бирга яшашади.

Илгарилари, — деб эслайдилар боболаримиз, — Бўзсув шаҳримизга ўйнаб кириб, йиғлаб чиқиб кетариди, у бойлар, корчалонлардан ортмасиди бева-бечораларга. Бугун эса, ўйнаб кириб, қуйлаб чиқиб кетади...

Аммо у шаҳарни иккига бўлгани билан тўғри чиқиб кетмайди, уни айланиб, маҳалла-маҳалла, гузарма-гузар айланиб, «ҳормабор бўл» қилиб чиқиб кетади. У ўтган маҳаллалар, даҳа ва кўчалар ям-яшил, чиннидай топ-тоза, соя-салқин бўлади. Шунданми, бу кўчаларнинг отлари ҳам ўзига хос чиройли: Ёнариқ, Чўқурсой, Лабизак, Қорасув, Сойбўйи... Бўзсув ва унинг тармоқлари ўтмаган кўча йўқ, албатта, шаҳарда. У тошкентликларнинг ҳамма ишига ярайди, ҳамма ишига аралашади, шакароб бўлиб остонасига сепилади, мевазор бўлиб хонадонини яшнатади, гулзор бўлиб уйи атрофида қулф уради, ҳатто бозорга чиқади... Шунданмидир, қизларининг номлари Гулзарра ё Гулойим, Чамандагул ё Чаманнор, Гулбадан ё Гулрухсор, Гулюз, ё Гулираъно деб аталадилар... Ҳамма ерда унинг мўъжизасию, ҳамма ерда унинг ғамзаси...

Бўзсув...

Шаҳримизнинг талъати, шаҳримизнинг масъуд ва маҳбуб куйчиси... Унинг қўшиқлари кечаю-кундуз қулоқларда олтин сирғадек жаранг:

Сенсиз менга қоронғу олам,
Кўрсатмагай ҳижрон доғини.
Қучоғингда уйғонганда ҳам
Уйғонаман сени соғиниб...

Шунданми, унинг кўчаларида ана шу куйчиларининг муборак номлари қолган: Навоий ё Пушкин деб, Мирзо Бобир ё Жомий, Лутфий ё Абай деб, Нодирабегим ё Низомий деб...

Бунда кўҳна удум муҳайё, фарзанд кўрган хонадон эшигига терак экади. Бунинг маъниси шулдурким, у тераклар ана шу фарзанд билан бирга бўй чўзади, фарзанд балоғатга етганида улар унинг бахтига асқотадилар, ота уй қуради фарзандига, янги уйга келин тушади, янги оила пайдо бўлади ва камол топади. Бизнинг Йигитали ҳам туғилганида отаси эшигига қатор қилиб кўк терак экган эди. Бўзсув бу теракларни Йигитали билан баробар вояга етказди. Улар кўм-кўк бўлиб кўкка бўй чўздилар, ҳали эслаганимиз тоғ чўққиларидан елиб келадиган салқин ва майин шаббодалар шўхлигида солланиб турадиган бўлиб қолдилар. Бу ям-яшил кўктеракларнинг бўйи-бастига суқи тушган, маҳаллага ҳусн бериб туришидан қувонган одамлар маҳаллаларининг отини ҳам Қатортерак деб атай бошлашди...

Шу удумданмидир, шаҳримизнинг жуда кўп маҳалла-гузарлари, даҳа-чорраҳалари ана шу гўзал ва дилбар дарахтлар номлари билан аталадилар: Бешёғоч, Бешқайрағоч деб, Қўштут ё Қатортол деб, Ўрукзор ё Олмазор деб, Қоратут ё Себзор деб, Жийдакапа ё Толзор деб...

Йигитали тераклари бўй чўздилар дедик. Бугун улар янги уйга айланиб, янги меҳмон кутишмоқда — қўшни қиз Гулзаррани. Йигитали ва Гулзарра муҳаббати маҳаллани оёқлантирди, уларнинг мусаффо муҳаббатлари маҳалла хонадонларини тўйга отлантирди... Йигитали ва Гулзаррани Бўзсув соҳиллари маст қилди, муҳаббат боғларига олиб кетди, ойни оқизиб, юлдузларни ёқиб кўнгилларига пором бўлди, қай кун уларни тонгачали ўйнатди соҳилларида, ўзининг ажиб ва нажиб эртаклари ва афсоналари билан ардоқлаб...

Бўзсув...

Қаҳ-қаҳа билан кириб келади. Тонг саҳарлаб эшикларни қоқиб уйғотади одамларни, ажиб ва гўзал кўчаларни суқсур келинлардай супуриб-сидиради, саф-саф ойнаванд биноларни ўзининг ҳаётбахш нури нашидаси билан ювагётган офтоб шуълаларида ўйнайди. Унинг қудратидан дастгоҳлар ишга тушадилар, трамвайлар, троллейбуслар ҳаракатга келадилар, ер ости йўллари гувуллайди, шинам ва шукуҳи метро вагонлари қават-қават уйлар, кенг ва музайян проспектлар остида ғизиллаб ўтадилар... Салқин ва покиза чойхоналарнинг бақалоқ самоварларида у биқиллаб, пишиллаб қайнайди, қатор қозонларида палов мўлдиратади, ҳар бир хонадонда дастёр бўлиб кўлларига қуюлади, юз ювиб, соч тарайди... У мана шунақа, мўъжиза дарё, тилсим бир афсона...

Бўзсув...

Шаҳар кенгайиб, тармоқ ёйиб кетганига қарамай шошиб қолмади, қирққа бўлинса, қирққа бўлинди, борган ерига етиб борди, уй курса ҳашар қилиб, гул экса кўкартирди, Салор бўлиб, Анҳор бўлиб, Кайковус, Қорақамиш бўлиб... Шаҳарнинг қадим ўн икки дарвозаси энди шаҳар марказида қолиб кетди, менинг болалигим ҳадди бўлиб, менинг ёшлигим ҳадди, менинг йигитлигим ҳадди бўлиб, энди менинг мўйсафидлигим ҳаддигина бўлиб...

Бўзсув...

Она қушларга ўхшайди, болаларига емак ташиб чарчамайдиган паррандаларга. Сават-сават нон ташиб келади у шаҳарга, челак-челак олма, анор, ширин-шарбат узум, анжир ташиб келади.. Эрта баҳор палласи лола олиб келади, олучаю гилос... Жазирама ёз кунлари тўкин дастурхон... Олтин куз кириши билан дон-дун, карс-курс узум, шакарпалак қовун, тарвузлар, оппоқ-оппоқ пахта... Мана унинг саховати, битмас-туганмас тортиғи севимли шаҳрига...

Бўзсув...

Йигитали эшиги олдида айланиб турибди гўё. Чирмандалар жаранглосию сурнай навоси, ҳофизлар яллавонию раққосалар чархи ушлаб турипти уни. Гулзарра билан Йигитали тўрда, тумонот ардоғида ўтиришипти, Гулзарра пахтадай оппоқ либосда, Йигитали зарбон тўну олтин жиғада...

Бўзсув...

Тўй таманноси билан маст, йўлида давом этади, Гулзарра билан Йигитали тўйи таронаси, сурнай навоси билан чилдирмалар қаҳ-қаҳаси кузатиб боради уни йироқларгача.

Бўзсув... Зилзила марказида, зилзила зарбига қўйилган обида оёғида айланади энди, халқа ясайди, энтикади, у даҳшатли онларни эслайди... Давом этади... Ўрда кўприги остига келганда уни тағин хаёл алақситади...

Ўрда кўприги...

Бир вақтлар бу кўприк икки дунё ҳадди эди, эски дунё билан янги дунё, эски шаҳар билан янги шаҳар ҳадди эди. Бу кўприк орқали ўрта асрдан йигирманчи асрга қочиб ўтганлар, деразаларини ичкарига қараган қопқоронғи уйлардан қочиб чиқиб, паранжисачвонларини ўтга отганлар... Йигиталининг, Гулзарранинг бувилари янги дунёга, йигирманчи асрга мана шу кўприкдан ўтканлар, паранжиларини мана шу ерда ёнаётган гулханга итқитганлар. Мана бугун ана шу паранжи гулханлари ўрнида осмони-фалакка бош уриб йигирма қаватли кошоналар ярақлаб турипти, ўша гулханларнинг қотиб қолган обидалари бўлиб... Бўзсув ўша кунларни эслаб хўрсинади, қувончидан қирғоғига сиғмайди, Қизил майдон бўйлаб отилиб турган фаввора ва шарора бўлиб томоша қилади уларни...

Бўзсув...

Шаҳар марказидан Навоий ва Руставели, Пушкин ва Ғафур Ғулом проспектларидек тўлиб-тошиб, қуйлаб ўтади, унинг кечасини, бугунини, эртасини... Унинг дўстлик тароватини, оламга машҳур нуфузини, фарағатини...

Тошкентни бугун фақат Тошкентда кўриш мумкин, унинг ҳусн-жамоли ва сеҳри-салобати билан, Бухорони фақат Бухорода дегандек, унинг миллий ва социалистик қиёфасига мафтун бўлиб уни сайр қиладилар. Шунинг учун уни Йигитали ва Гулзаррадек энтикиб, суюб куйлайдилар:

Жонимда, дилимда мангу
ободсан,
Навоий байтидек тилимда
ёдсан,
Мангу дўстлар меҳри-
муҳаббатидан,
Файзу фароғатдан, бахтдан
бунёдсан,
Яшноқ Осиёдан тошган
Тошканим!...

Бўзсув...

Тошкентнинг ардоғлик онаси!... Уни боқиб катта қилгани, вояга еткаргани, она дарёси!.. Йигитали билан Гулзарра муҳаббатининг, бугунги ва эртасининг олтин бешиги! Йўлинг қутлуғ бўлсин, Бизнинг Тошкентимиз тароватини ёй Сирдарё бўйларига!.. Сирдарёга айт, мафтункор, меҳнаткаш Сирдарёга, юртимизнинг шавкатли пахтакори Сирдарёга, «Мен тошкентликман» де, овозингнинг борича қичқир, у бор, у барқарор, у гуллаб яшнамоқда, де, у тинчлик, фароғат шаҳри, де!..

Бўзсув куйлаб давом этмоқда йўлида, бугунини, эртасини, истиқболини куйлаб...

Тошкент адойи жон билан
қилур келин салом,
Таронан жаҳон билан қилур
келин салом,
Иқболи жонажон билан қилур
келин салом,
Уй тузатди олам жаҳон келин
мисолида,
Бўлмагандир бундай шаҳар
ҳатто рўсолада!..

ЖОНАЖОН ТОШКЕНТИМ

Шариф РАМАЗОНОВ музикаси

Файзи ШОҲИСМОИЛ шеъри



Республикам бош шаҳри,
Тарихларда Шош шаҳри,
Нон шаҳри, қуёш шаҳри,
Жонажоним Тошкентим,
Онажоним Тошкентим,
Шарқнинг ёркин
машъали,
Бағринг завқли,
нашъали,
Ҳам кўҳна, ҳам ёш
ҳали —
Жонажоним Тошкентим,
Онажоним Тошкентим,
Дўстлик шаҳри
ўзингсан,
Тинчлик шаҳри
ўзингсан,
Эл-юрт фахри
ўзингсан,
Жонажоним Тошкентим,
Онажоним Тошкентим,
Кошонам — тенгсиз
тахтим,
Жоним она —
пойтахтим,
Қўйнингда кулар
бахтим,
Жонажоним Тошкентим,
Онажоним Тошкентим,
Шарқнинг ёркин
машъали
Бағринг завқли,
нашъали,
Ҳам кўҳна, ҳам
ёш ҳали,
Жонажоним Тошкентим,
Онажоним Тошкентим.

Ҳабиб САЪДУЛЛА:

«МЕН АЗИМ ТОШКЕНТНИ ТАВОФ ЭТАМАН»...

ЁШЛИК ШАҲРИ

Ким айтар:
Қайтариб бўлмас ёшликни!
Ёшлигинг қайтмаса,
Сен ёшликка қайт!
Мен тавоф этаман азим Тошкентни,
Ёшликка қайтишни қўмсаганим пайт.
Бунда кутиб олар ёшлигим мени,
Ун еттн яшарли ўспирин бўлиб.
Чақноқ кўзларида шиддат ёлқини,
— Мен ўзингман! — дейди
Бағримга тўлиб...
— Яна қайтибсан-да!
— Ҳа, яна қайтдим...
— Тўлишиб кетибсан...
— Не илож, йиллар....
— Сочингда кўпайиб қолмиш оқ қатим...
— Бир уй бўлиб қолди қизу-ўғиллар.
— Бахтлимсан!
— Нолиш одатим эмас,
Сокин армоним ҳам ўзингга аён.
— Дилда сўнмадимм ншқ билан ҳавас,
Ёниб турибдимм юрагинг ҳамон!
...Чўқур маъно билан ташлаб кўз қирин,
Дўлдай ёғдиради менга сўроқлар.
Ун еттн ёшлигим — қайсар ўспирин
Умрим китобини бир-бир варақлар.
Ўз измига олиб ихтиёримни
Яёв етаклайди кенг кўчаларда.
Гоҳо бир дам тортиб эътиборимни
Тўхтатар қадрдон хуш гўшаларда:
— Мана, орзуларинг аллалаган боғ.
Ҳамон ўша-ўша пок ва беғубор.
Гоҳ ноумид бўлсанг...
Ҳомўш тортган чог
Ноҳуш хаёлларинг оқизган Анҳор.
Бу — илк боққанингда уммон туюлиб
Бағрингга сингиган Комсомол кўли.
Атри ташна қалбга нурдай қуюлиб,
Покликни ўргатган ҳар битта гули.
Мана, Дорилфунун — муқаддас даргоҳ,
Темир қанот берган орзуларингга,
Ҳамон устозларинг ҳолингдан огоҳ,
Содиқмисан тиниқ туйғуларингга!..
Ўтган йилларимдан олиб сарҳисоб,
Ёшлигим мен билан юрар ёнма-ён.
Саволлар беради,
Кутади жавоб,
Ҳамон қизиқувчан, шиддаткор ҳамон.
— Ташлаб кетмадингми дўстларингни!
— Йўқ!
— Ачиндингми улар сендан тонсалар!
— Менда не ихтиёр,
Менда не ҳуқуқ,
Йўлда учраганлар йўлда қолсалар.
— Номардлик қилдингми!
— Келмас қўлимдан,
Ҳар на корн — борим ўзингга аён...
— Дўстни сотмадингми нафсинг йўлида,
Хушомаддан қаддинг бўлмасми камон!
Йиллар ва йўллардан сўраб сарҳисоб,
Ошно қилар турфа хаёллар билан.
Ҳали саволнга олмасдан жавоб,
Боз кўмиб ташлайди саволлар билан.
Қаттиққўллик билан қилур имтиҳон,
Гар ундан йиқилсанг юрак ёнади,
Ростликдан чекинсанг,
Ё қочса имон,
Ёшлик мангуликка сендан тонади.
Шу боис ёшлигим қўмсаганим пайт,
Мен азим Тошкентни тавоф этаман.
Бунда
Дўстлик,
Поклик,
Вафо,
Садоқат,
Ёшлик сабоғини олиб кетаман.

ДЎРМОНДА

Бунда тонг отади, ёркин, мусаффо...
Деразадан оққан илҳом насими —
Киприклларга уйқу илинган асно
Уйғотар чертиб қалб дарчасини.
Уланиб кетади тун билан кундуз,
Ҳаёт давом этар ижод боғида.
Қисқа салом-алик...
Сўнг яна бесўз
Ҳар ким банд ўз дарди, ўз тўлғоғи-ла.
Яна йўлкаларга гул тўшар излар,
Фикрлар залворин кўтаради ер.
Сайр аталувчи бу сокин кезлар,
Роман тобга келар,
Туғиладн шеър.
Боққа кўрк бағишлаб,
Салобат билан,
Аста чиқиб келар Уйғун — оқсоқол.
Пиқирлар муносиб хуш одат билан
Йўлдош Шамшароддан тинглар хасби
ҳол.
Йиллар ва йўлларнинг севинч,
ташвишин,
Балки эслашмокда икки отахон.
Балки бедор тунда биткзган ишин
Муҳокама қилар улар бу замон.
Ўйчан термулганча сархил гулларга —
Зулфия — шеър мулкнн пок маликаси,
Наводай қуйгали ошиқ дилларга
Тинглamоқда она — Замин нафасин.
Булбул навосига муштоқ ҳар кўнгил,
Талпинар Иброҳим Раҳим боғига.
Кетолмай қолибди бу боғдан булбул,
Анор гуллаган шул жавзо чоғида.
Қўшни боғда кезар ўйчан бир зако —
Замон донишманди — Асқад ал Мухтор.
Янги бир асарга бахш этар бақо,
Изчам жуссасида Рустам кучи бор.
Эрмак учун тутиб ирғайдан асо,
Ана кетиб борар Пиримқул Қодир.
Бу пайт Бобурми ё Акбармн... Ва ё
Зебуннисо билан сўзлашаётир.
Элга бағишланган ижтидор, кучи
Тарих ва замондош фикри билан банд.
Ватан камолини кўрсатмоқ учун
Ўтмиш ва эртани этмокда пайванд.
Хонасидан чиқиб Абдулла Орнф,
Оҳиста кезади чорбоғ этагин.
Уғли Илҳомжоннн етаклаб олиб.
Уқтирар гул ранги, сўзлар оҳангин.
Заковат чақнаган ёнинқ кўзларда
Ҳорғинлик сезилиб қолдимм, зарра
Залворли фикрлар,
Чақин сўзлардан.
Бир дам холи қолиб қурилар давра.
Кўҳна арғувонни солиб ларзага
Осмону фалакка ўрлар қаҳқаҳа.
Шундай танаффусга чиққан лаҳзада,
Билки жўрабошн Санд Аҳмад ака.
Қизир дилкаш суҳбат, кулги бегубор
Бу — соғлиқ, ижодий омад гарови.
Даврага бахш этар фазилат, виқор,
Восит Саъдулланинг илик паловн.
Сўлим оқшом чўнар,
Ёнар чироқлар,
Хоналарга кўчар яна танҳолик.
Бағрини тутади оппоқ варақлар,
Қуйилар жўшқинлик,
Теран донолик.
Машинка чиқиллар қай бир хонада,
Қай бирида эса қитирлар қалам,
Борлиқ ухлайди-ю...
Ҳар бир хонада
Бедор тўлғонади бу чексиз олам.
Борлиқ ухлайди-ю...
Уйғоқдир Дўрмон
Бунда ҳукмрондир ижод шукуҳи...
Бунда кезар Ҳамза, Ҳамид Олимжон,
Ғафур Ғулом билан Ойбекнинг руҳи.

ГЎЗАЛ ФАВВОРАЛАР

(ЛАВҲА)

Марҳум ёзувчи ва журналист Ибохон кўпгина ҳикоя, очерк ва лавҳалари билан республикамиз ўқувчиларига яхши таниш эди. Унинг ижодий архивида ҳали ҳаёт чоғида чоп этишга улгуролмаган баъзи ҳикоя ва лавҳалари мавжуд бўлиб, шулардан бири — унинг гўзал шаҳримиз Тошкентга бағишланган лавҳасини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

Оҳ, бу кўриниш! Бу гўзаллик инсон қўли билан яратилган! Фонтанма-фонтан сайр қилишнинг ўзига хос гашти бор-да. Буни ҳақиқий гашт деса бўлади. Гўзал фаввора ёнидан эътиборсиз ўтиб кетиб бўладими? Унинг ёнида бир лаҳза турмасдан иложинг борми? Серқуёш Тошкентнинг марказий жойларида кўплаб фонтанлар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Буларни ким ижод этган ва кимлар бунёд этган? Тинчликсевар халқ фарзандлари!

Хадра майдонидаги фонтанга бир қаранг-а! Кечалари пахта чаноғидан турли рангларга йўғрилган сув отилади. Кундуз кунлари ҳам гўзал. Фонтандан отилиб чиқаётган кумуш ранги сувлар худди эртаклардагидек сеҳрли манзараларни эслатиб туради. Бу манзарани ҳатто узоқлардан учиб келган қушлар ҳам томоша қилгандек, бир лаҳза ундан баҳра оладилар, фонтан атрофига қўнишиб, хушнуд сайрашиб, ўтиб кетадилар.

Бу фонтанни доно инженерлар вужудга келтирганлар. О, бу осонликча дунёга келтирилмаган!

О, буни қаранг, завқланинг! Фонтан суви нақадар жозибали, ўйноқи отилмоқда. Ҳозиргина қизил тусда эди, кўкка айланди, сариқ, оч-сариқ, пушти, яшилга айланади ҳозир! Оҳ, нақадар мафтункор жой бу! Мен фонтанма-фонтан сайрни мана шу нуқтадан бошлаган эдим. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театрининг ҳашаматли биноси олдидаги «оқсоқол» фонтан ёнига бордим. Ҳа, бу Тошкентдаги ҳамма фонтанларнинг «оқсоқоли». Ҳаммадан олдин ишга туширилган. Бу фонтан театр олдидаги майдоннинг ҳуснини очиб туради. Фонтаннинг сеҳрли манзарасига маҳлиё бўлиб туриб, хаёл дарёсига ғарқ бўлиб кетдим. Қани энди буюк Навоий бир нафас тирилиб келса-ю, ўз номидаги бу фонтан манзарасини томоша қилса, қандай ғазал битган бўлур эдилар!

Қаранг, тўйгунча қаранг! Не-не сарвқомат қизлар, барно йигитлар шу гўзал манзарадан баҳра олиш учун келганлар. Бош майдондаги кўкка пишқираётган фонтанлар-чи? Шаҳарга келган меҳмонлар унинг атрофини сайр қилишиб, эсдалик учун суратга тушадилар.

Метронинг Ленин номидаги майдон станцияси ёнидаги, Дзержинский ёдгорлиги ёнидаги фонтанни ором фонтани, деб атаса бўлади. Унинг ёнидаги ўриндиқларда одамлар қатор ўтиришиб, фонтан сувига маҳлиё бўладилар ва салқин ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оладилар. Бу фонтанлар ёнида ўсган мажнунтолларни айтмай сизми? Гўё майда ўрилган сочларини силкитиб, жилва қилиб, қиё боқиб турган гўзал келинчакларни эслатади киши га!

Бу фонтан ҳавзаси болаларнинг чўмилишлари учун энг қулай ўриндир. Маълумки, бизнинг мамлакатимизда болалар энг имтиёзли синф ҳисобланади. Ҳеч кимга рухсат берилмаса ҳам болалар эркалик билан бу фонтанлар сувида ҳузур-ҳаловат қилиб чўмиладилар.

О, фонтанлар! Гўзал ва оромбахш фавволар. Гўзал Тошкентда катта-кичик фонтанлар жуда кўп. Буларнинг гўзаллиги, оромбахшлигини айтган билан ниҳоясига етказиш қийин.

Икки минг йиллик Тошкентни фонтансиз, бу гўзал фавволарсиз тасаввур қилиш қийин, жуда қийин...

ИБОХОН.

Пойтахт районлари: юбилейолди йўқламаси

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

Зилзила йилларида район урушнинг шон-шуҳратли қаҳрамони Собир Раҳимов номи билан аталган эди.

Районнинг таржимаи ҳоли аввало унинг барча меҳнатчилари таржимаи ҳолидир.

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси Валентина Ивановна Таранторова кўп йиллардан буён шахсий тамға билан ишламоқда. Унинг самарали меҳнати кўпгина мукофотлар билан тақдирланди — у Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери, район партия комитети бюроси аъзоси, ёшлар мураббийсидир.

«Миконд» заводининг токари Музафар Саидовна «Қўли гул уста» деб аталади. Ў 4-цехда 12 йилдан буён ишламоқда.

Районнинг чинни заводи гул солувчиси Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Дилбар Орифжонова. «Миконд» заводи йиғувчиси, Октябрь Революцияси ордени кавалери Зайтуна Каттабекова сингари ишлаб чиқариш илғорлари мусобақанинг олдинги маррасида боришмоқда.

Собир Раҳимов 1966 йил зилзиласи кунларида жонажон шаҳрини ана шундай тасаввур этди. Районда қад кўтарган дастлабки қўнқаватли уйлар. Бунёдкорлар.

СУРАТЛАРДА: Рассом Н. Корнилов.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

8 АВГУСТ, 1983 й.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1983—84 ўқув йили учун
КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, пионервожатийлар ва ҳарбий хизматни ўтаб бўлганлар, завод, фабрика, алоқа, қурилиш ташкилотлари, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб, инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ (кундузги, кечки, сиртқи) 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусҳаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), саккизта фотосурат (3х4 см).

АРИЗАЛАР 20 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:
Суҳбат 21 сентябрдан 26 сентябргача давом этади.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 ой.
МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1983 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам, тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Сапёрная кўчаси, 11-уй. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШУ НАРСАНИ УНУТМАНГКИ, ЮВИЛАДИГАН БАЧОКЛАРДА ВА КРАНЛАРДА СУВ ОҚИБ ТУРИШИ СИЗНИНГ КВАРТИРАНГИЗДА СУВ ТАЪМИНОТИНИ ПАСАЙТИРАДИ, СУВГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ КЎПАЙТИРАДИ. КРАНЛАРНИ ИШЛАТИБ БЎЛГАНИНГИЗДАН КЕЙИН УЛАРНИ МАҲКАМ БЕРКИТИБ ҚЎЙИНГ.

УЧАСТКАЛАРДАГИ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ, ЙЎЛКАЛАР, ҲОВЛИЛАР, МАЙДОНЛАР, ХИЁБОНЛАРГА СУВ СЕПИШ

ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ

Водопровод суви билан экинлар суғорилиши аниқланганда, водопровод огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

Кўчалардаги тармоқдан сув оқиб ётганлигини кўрсангиз бепарво ўтиб кетманг.

Водопровод бузилганлиги, еростидан ёки кўчадаги бузилган колонкадан сув оқиб чиқаётганлигини кўришингиз билан дарҳол қуйидаги телефонларга хабар қилинг:

Ҳамза ва Ленин районлари: 96-32-51, 96-24-32;
С. Раҳимов ва Октябрь районлари: 46-03-85, 46-03-84;
Киров район: 35-14-02, 35-04-01;
Фрунзе, Чилонзор, А. Икромов ва Сергели районлари: 78-32-40; 78-82-17,
Куйбишев район: 62-19-83, 62-19-32.
Марказий диспетчерлик хизмати: 33-15-95, 33-75-95.

СУВДАН ВА ШАҲАР КАНАЛИЗАЦИЯ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАБ ҚЎЙИНГИЗ.

Кўчаларда водопровод-канализация қудуқларининг қопқоғини очиш ва уларнинг ичига тушиш қатъий ман қилинади.

ҚУДУҚЛАРДАГИ ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАР ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИДИР.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

Тўрт марта орденли В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1983—84 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

самолётнинг электр ускуналари бўйича электромонтёр, рақамлаштирилган программали бошқариш станокларининг токари, газ-электр пайвандчи, автоматика ва контроль-ўлчаш асбоблари созловчиси, универсал-фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, ЭҲМ операторлари, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, дурадгор.

8-10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат; спорт формаси ва кийим-бош билан таъминланадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ: ўрта маълумотлилар учун — 6 ой, 8-синфни битирганлар учун — 3 йил.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 33 процентги миқдорида ҳақ тўланади. Ўрта маълумотлилар эса қўшимча равишда 65 сўм стипендия оладилар.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (10 процент) политехника институти, жисмоний тарбия институти, авиация ва индустриал техникумларда ўқишни давом эттиришлари мумкин, шунингдек, улар учувчилик билим юртларига, граждан авиацияси институтларига йўлланма билан юборилишлари мумкин.

Автоҳаваскорлар учун автодело бўйича техникага йўналтирилган группалар ташкил қилинади. Билим юрти энг мукаммал техника ускуналари воситалари билан жиҳозланган автокабинетга эга.

Тикувчиликка ҳавасмандлар учун тикиш-бичиш синфи ташкил қилинган. Куй ва қўшиқ ижрочиларига бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Билим юртида катта спорт комплекси бор: стадион, спорт-зал; курашнинг барча турлари бўйича спорт секциялари, ўйин турлари, баскетбол, волейбол, футбол, отиш, бокс.

Дельтопланёрчилар, авиамоделчилар, фотоҳаваскорлар, радио ва телевизор иши тўгараклари ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, 286-формадаги медицина справкаси, 4х5см, катталикдаги 6 дона ва 3х4 см, катталикдаги 6 дона фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза район, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82«а»-уй (8, 48, 49, 72-автобусларнинг «Кадишев номли автостанция» бекати).

Тошкент шаҳар социал-таъминот бошқармасининг
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҳунар-техника билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: приёмник ва телевизорларни ремонт қилувчи механик, пойабзалчи, секретарь-машинистка, тикувчи, халқ хўжалиги тармоқларида ва социал таъминот соҳасида ишлаш учун бухгалтер.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқишга ёши 16 дан 45 ёшгача бўлган нивалидлар, шунингдек ёши 16 дан 20 гача бўлган нивалидларнинг фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.

Ўқувчилар 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Аризаларга қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: маълумот ҳақида ҳужжат, туғилиш гувоҳномаси, турар жойидан справка, шаҳар ёки район социал таъминот бўлимининг йўлланмаси, саломатлиги ҳақида справка (286-форма), нивалидлар ВТЭК справкасига меҳнат тавсияномасини илова қиладилар, 2 дона сурат.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъмин этилмайди.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 107 «а»-уй, 5-корпус, Пеньков тупиги (2, 7, 14-троллейбусларнинг «76-мактаб», «Халқлар дўстлиги» метро станцияси (Кино уйи ёнида).

«ФОТОРЕКЛАМА» ЧОРЛАЙДИ

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ ЎЗИНИНГ ЯНГИ ФОТОСАЛОНЛАРИГА СИЗЛАРНИ МАРҲАМАТ ЭТИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

ФОТОСАЛОНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

28-фотосалон — Қўйлиқ массиви, «Олимпия» кафеси (1-қават) — фақат оқ-қора тасвирдаги фото;

31-фотосалон — 1 Май кўчаси (Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги биносида) — рангли, оқ-қора тасвирли, шунингдек барча турдаги ҳужжатлар учун ихтисослаштирилган фотолар;

38-фотосалон — Муқимий кўчаси («Тўқимачилик комбинати» бекати) рангли ва оқ-қора тасвирли фото;

30-фотосалон — Маиший хизмат уйи (Ядро физикаси институти ёнгинасида, собиқ «Улугбек» посёлкаси) — бу салонда оқ-қора ва рангли тасвирдаги фотоларни тайёрлаб беришади.

ЯНГИ ФОТОСАЛОНЛАРГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!
«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ.

235-ШАҲАР РАДИОТЕХНИКА ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиоаппаратуралар ва приборлар монтажчиси (қизлар), радиоаппаратуралар ва приборлар созловчиси, радиоаппаратуралар слесарь-йиғувчиси, гальваник, механика йиғув ишлари слесари, слесарь-асбобсоз, техника назорати бўлими назоратчиси.

8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА УНИНГ АТРОФИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 6 ой.

Радиоаппаратуралар монтажчиси ва слесарь-асбобсоз ихтисослиги бўйича 10 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинган ўқувчилар ойига 30—45 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар давлатнинг тўлиқсиз таъминотида (уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош) бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига юборилади-лар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ БИЛИМ ЮРТИ БИНОСИДА СОАТ 9.00 дан 17.00 гача ИШЛАЙДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 2-Сергели массиви, 64«а» уй (58«э», 40«э», 75, 98-автобуслар, 19-троллейбус, 18, 30-маршрут таксиларининг «Сергели» савдо маркази» бекати). Телефонлар: 58-47-07, 58-07-81.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ»нинг
ТОШКЕНТДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

К-700 тракторига ўрнатилган МКТ-40, МКГ-16, МКГ-25 БР, МКА-10 кранларининг машинистларини, технология ускуналари ва қозонхона қурилмаларининг монтажи бўйича слесарь-монтажчилар, электр-газ пайвандчиларни

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Елғиз кишилар Тошкент прописка сидан ўтказилиб, ётоқхона билан таъминланадилар, навбати билан квартира берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЎҚУВЧИГА КЎП НАРСА КЕРАК

Мактаб ўқувчисини янги ўқув йилига бекамкўст тайёрлаш учун мактаб формаси, портфель ёки ранец, дафтарлар ва альбомлар, бўёқ қаламлар ва чизғичлар, қаламлар ва ручкалар жуда ҳам керак бўлади.

Ҳар бир ота-она бундай ашёларни харид этишни августнинг охирги кунига қолдирмасдан ҳамиша барвақт сотиб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам мактаб бозорлари ғажум бўлиб қолди.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«УЗКУЛЬТТОРГ»нинг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА ҚУЙИДАГИ МОЛЛАР БОР:

ўқувчилар дафтарлари;
катта дафтарлар;
расм чизиш учун альбомлар ва дафтарлар;
чизмачилик учун альбомлар;
чизмачилик учун папкалар;
дафтарлар учун муқовалар;
китоблар ва дафтарлар учун чиройли муқовалар;
қирқиладиган ҳарфлар;
дарслар жадвали;
китоблар учун хатчўплар;
меҳнат учун рангли қоғозлар туркуми.



«УЗКУЛЬТТОРГ»нинг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ. ТЕЛЕФОН 42-98-52.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети Ф. Ҳўжаев номидаги 1-пойафзал фабрикаси қошида очилган
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал қисмларини бичувилар, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. **Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришни учун пойафзалчилар маданият саройи ва уларни туристик спорт ва ҳаваскорлик тўгаракларни мунтазам равишда ишлайди. Булардан ташқари билим юрти қошида бепул болалар ва аёллар қўйлакларини бичиш-тикиш курси очилган, битирувчиларга гувоҳнома берилади.**

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга техникум ва институтга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан, саломатлиги ҳақида справкалар, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1983—84 ЎҚУВ ИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, асбобсоз-слесарь, механик йиғувчи-слесарь, слесарь-электр монтажчи, токарь, фрезерчи (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторн), дурадгор, слесарь-сантехник, газ пайвандчи, ОТК контролёри, автослесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касбига мувофиқ равишда диплом берилади.

Ўқувчиларга ўқиш даврида 65 сўм ҳажмида стипендия берилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини битиргач уларга ўрта маълумот ва эгаллаган касбига мувофиқ диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг маълум қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади-лар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар учун бирлашма ҳузурида политехника институти самолётсозлик факультети ва авиация техникумининг кечки бўлимлари мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга; авиамоделизм, фото-кино-студияси, бадиий сўз тўгараклари; вокал-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бунёд этилган.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт, директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, 8 та фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 48-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

КИНО

8; 9 АВГУСТДА

Бадиий фильмлар:

«ЎЗИМИЗНИКИЛАР ТОМОН»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«УЗУН ТУН» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30, телефон 44-21-74).

«МЕФИСТОФЕЛЬ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ЖАСУР РИЦАРЬ АИВЕНГО ТЎҒРИСИДА БАЛЛАДА» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Фестиваль** (ёзги бинода, соат 21.40 да).

«ҲАРБИЙ ВАҚТ ҚОНУНИГА КЎРА» — **Чайка** (жуфт соатларда; телефон 47-06-20), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«КЎПРИКНИНГ У ЕНИДА» — **Хива** (21.40, телефон 32-78-02), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда телефон 53-65-87).

«ДМИТРИЙ П» — **Искра** (12, 15, 18, 21.00 телефон 39-14-59).

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА
10 август соат 19.30 да
СССР биринчилиги учун Олий лиганинг
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЗЕНИТ» (Ленинград)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ

8 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 «Моҳир қўллар». 18.40 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». Минск трактор заводининг «Беларусь» тракторларига хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича колхозлар ва совхозлар билан ҳамкорлиги тўғрисида. 19.10 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева Ф. Дист асарларини ижро этади. 19.30 «Уч эшакнинг саргузашти». Мультфильм. 19.45 «Фома Гордеев». Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси. А. М. Горькийнинг шу номли романи асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Фома Гордеев» фильм-спектаклининг давоми 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Финляндиядан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Ҳунар-техника билим юртларига бағишланган кўрсатувлар Бутуниттифоқ конкурси. «Сенинг иккинчи уйинг». 19.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Командир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. (ЧССР) 1-серия. 23.20 «Қўшиқлардан рақсга».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ваня борарди» деган сурат». Мультфильм. 18.35 «Тенгдошларинг ижоди». 19.05 Совет Армияси жангчилари учун. «Сафдаги шеърият» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Сенинг замондошинг». Бадиий фильм. 1-серия. 23.15 Янгиликлар.

II

9.00 — 16.10 МТ II.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Звёздочка». Киноальманах. 19.05 Биология. Эволюциянинг чоғиштирма-анатомик далиллари. 19.35 «Буюк Амур». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм («Ўзбектелефильм»).

9 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 А. М. Горький. «Фома Гордеев». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Шахтни камалаги», «Муваффақият технологияси». «Изланиш давом этади». 16.20 А. Артюхованинг «Пионер байроғи» кантатаси. 16.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.05 «Ёшлар адреслари».

18.05 «Опа-сингил Жхаверийлар ансамблининг концерти (Ҳиндистон). 18.35 «Фан ва турмуш». 19.05 «Осмондагини ол». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Финляндиядан олиб кўрсатилади. 20.15 «Нима, Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск)—МАСК. Минскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — 22.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Онамларнинг мактаби». 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 «Время». 22.00 «Командир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.15 СССР халқ артисти И. Смоктуновский А. С. Пушкин шеърларини ўқийди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

II

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Болалар учун. «Юлдузча» 19.00 «Уй-жой: бизнинг бурч ва ҳуқуқларимиз». Ўзбекистон ССР уй-жой Кодекси тўғрисида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Врач маслаҳати». 20.00 «Маҳтумқули ҳақида сўз». Туркманистон телевидениесининг тайёрлаган кўрсатуви (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Мусиқали драмалардан ариялар ва дуэтлар. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Ғўза парваришига — аъло сифат». 22.20 «Сенинг замондошинг». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Янгиликлар.

III

9.00 — 16.10 МТ II.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол — менинг тақдиримда» (тақрорий). 19.05 «Янги марралар сари». 19.35 «Ер баландлиги». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Эртанги кунга қадам ташлаб». Телевизион бадиий фильм. (рус.).

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станцнясининг навбатчилари — 33-90-50.

3 АВГУСТ. 1983 й. Р. 03072. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12